

ҲАРБӢЙ ХӢЗМАТЧИЛАР МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ТУРИ СИФАТИДА

Мунаввархон Маъруфжонович ПЎЛАТОВ

тингловчи

Ўзбекистон Республикаси жамоат
хавфсизлиги университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ҳарбий хизматчилар томонидан давлат мулкига, ҳарбий мулкка етказилган моддий зарар ўрнини қоплашнинг ҳуқуқий асослари моддий жавобгарлик институтида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада миллий қонунчилигимиз, суд амалиёти ўрганилиб муаллиф томонидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: юридик жавобгарлик, моддий жавобгарлик, давлат мулки, ҳарбий мулк, айб, сабабий боғланиш, зарар, қилмиш, хизмат фаолияти.

МАТЕРИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ КАК ВИД ЮРИДИЧЕСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Мунаввархон Маруфжонович ПУЛАТОВ

Слушатель

Университет общественной безопасности
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье исследована гражданско–правовая и материальная ответственность военнослужащих как способ возмещения материального ущерба, причиненного государственному имуществу и военному имуществу. Также в статье изучено национальное законодательство, судебная практика, автором выдвинуты предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: юридическая ответственность, материальная ответственность, государственная собственность, военная собственность, вина, причинная связь, вред, деяние, служебная деятельность.

Президент томонидан сўнгги йилларда мамлакат ҳаётининг бошқа жабҳалари билан бир қаторда, ҳарбий соҳанинг энг муҳим йўналишлари бўйича замон талабларига мос қарорлар қабул қилингани, амалга оширилган тизимли ва стратегик комплекс чора-тадбирлар натижасида қисқа давр ичида миллий армиянинг жанговар шайлиги ва умуман мамлакатнинг муҳофаза қилиниши сезиларли даражада ошгани, Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, биринчи навбатда,

халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Янги Ўзбекистонда ҳарбий ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар ҳолатини юқори нуқталарда сақлаш ҳисобланади [2]. Қуролли Кучлар таркибида турли қўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди [3].

Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қобилияти, тайёргарлиги ва жанговар шайлигини моддий асоси сифатида қўрилаётган ҳарбий мулкни асраш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар томонидан давлатга етказилган зарарни қоплаш, унинг миқдорини аниқлашдек долзарб масалаларни вужудга келтирмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда ривожланган демократик давлат инсон ҳақ-ҳуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамияти барпо этиш билан боғлиқ сиёсий фаолият ва ислоҳотлар жадал олиб боришмоқда. Айни пайтда бу мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг муқаррар тарзда бориши, фуқаролик институтлари нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши жараёни билан узвий боғлиқ эканини аңлатади. Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Қуролли кучлар таркибида турли қўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаркат қилишини таъминлаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди [3].

Бу эса ўз навбатида, ҳарбий қурол аслаҳалар ва мол-мулкларни ҳар бир ҳарбий хизматчига кўз қорачиғидек асраш вазифасини юклайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларида давлат

мулкини асраш, давлат маблағларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш, бюджетдан ташқари маблағларни излаб топишга бўлган тенденциянинг ўсишига олиб келмоқда. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳам хизмат фаолияти вақтида давлат мулкига етказилган зарар ўрнини қоплаш мақсадида моддий жавобгарликнинг белгиланиши ҳарбий мулкка нисбатан давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқаришда бўлган янгича қарашларни келтириб чиқармоқда. Фикримизча, ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигини юридик жавобгарликнинг тури сифтида таҳлил қилар эканмиз юридик жавобгарлик турларини санаб ўтиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Юридик жавобгарлик турлари: интизомий жавобгарлик; маъмурий жавобгарлик; моддий жавобгарлик; фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик; жиноий жавобгарлик.

Интизомий жавобгарлик – бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун ва ҳарбий Низомлар билан белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этмаслик оқибатида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом низоми ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган интизомий **таъзир** чораларини қўллашга олиб келади. Масалан, бошлиқнинг ўз қўл остида ишлайдиган ходимга нисбатан интизомий **таъзир** чоралари яъни ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан, ловозимни пасайтириш кўринишида ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик – ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом низомига мувофиқ жавобгар бўладилар. Юқоридаги шахслар фақат маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасида кўрсатилган ҳоллардаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Моддий жавобгарлик – ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида давлатга етказилган моддий зарар учун

ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ моддий жавобгарликка тортиладилар.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик – ҳарбий хизматчи фуқаролик қонунларида кўзда тутилган мажбуриятларни ижро этмасик ёхуд кўнгилдагидек ижро этмаслик учун қонунда кўзда тутилганидан бошқа ҳолларда ҳам давлатга, фуқароларга етказилган зарар учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигига тортиладилар.

Жиноий жавобгарлик – ҳарбий хизматчилар содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади ҳамда жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир [8].

Ҳарбий хизматчилар юридик жавобгарлигининг тури сифатида моддий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқий томондан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда масаланинг иккита асосий ҳолатни ажратиб олишимиз лозим, *биринчидан*, ҳарбий хизматчи томонидан давлатга етказган зарар учун қандай жавобгарлик вужудга келади ва *иккинчидан*, ҳарбий хизмат вақтида ҳарбий хизматчига давлат томонидан яъни давлатнинг махсус тайинланган мансабдор шахси томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашда моддий жавобгарликнинг қайси тури қўланиши каби саволларнинг ечими топилади. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини тартибга солиниши юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам беради. Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларнинг назарий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, ҳарбий бошлиқлар, назорат органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг амалий фаолиятида ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида уларнинг етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаганлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги,

тайёргарлиги ва бошқа кундалик машғулотларининг самарадорлигини ошириш борасида мазкур соҳани тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Фикримизча, ҳарбий қонунчилик мазкур жавобгарлик институтининг асосий қоидаларини тадбиқ этишда қуйидаги масалаларни эътиборга олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги кунда қабул қилиниши кутилаётган яъни “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 4-моддасида ҳарбий хизматчиларни моддий жавобгарликка тортиш шартлари белгиланган бўлиб, моддага кўра қуйидагича белгиланган.

Ҳарбий хизматчилар агар зарар фақат ўзларининг айби билан етказилган бўлса моддий жавобгарликка тортилади.

Ҳарбий хизматчилар агар зарар командирнинг (бошлиқнинг) буйруғини бажариш, асосли хизмат ёки хўжалик таваккалчилиги, охири зарурат ёхуд зарурий мудофаа ҳолатида етказилганда моддий жавобгар бўлмайди.

Ҳарбий хизмат мажбуриятларини (хизмат мажбуриятларини) бажармаётган пайтда моддий зарар етказган ҳарбий хизматчилар фуқаролик қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

Мазкур норма қуйидаги сўз билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Форс-мажор ҳолатлари туфайли.

Форс-мажор ҳолатлари рўй берганда ҳарбий мулкни сақлаш мажбурияти юклатилган шахс бу тўғрисида дарҳол юқори турувчи қўмондонликка ахборот бериши шарт. Ҳарбий мулкни сақлаш мажбурияти юклатилган ҳарбий хизматчилар (шахслар) ҳарбий мулкка форс-мажор ҳолатида зарар етказилганлигини исботлаб бера олмаса етказилган зарар ушбу шахслар томонидан қопланади.

Мазкур тўлдиришнинг киритилишидан мақсад ҳарбий хизматчиларни ҳарбий мулкка етказилган зарар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишдаги аниқ мезонларни белгилайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон

қарори [1] билан тасдиқланган “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини ҳарбий мулкни сақлаш мажбурияти юклатилган шахслар фаолиятига тўғридан-тўғри тадбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини вужудга келтиради.

Хорижий давлатлар тажрибасида, масалан Россия федерацияси ҳарбий хизматчиларининг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги 1999 йил 22 июнь кунида қабул қилинган қонуннинг 3 моддасида форс-мажор ҳолати белгиланган [5]. Украинанинг 2019 йил 31 октябрда қабул қилинган “Ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг давлатга етказилган зарари учун моддий жавобгарлик тўғрисида”ги 160-ХП-сонли қонунга мувофиқ, ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан ҳарбий ва бошқа мулкни ҳисобга олиш, сақлаш, улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузган ёки ҳарбий ва бошқа мулкнинг ўғирланиши, нобуд бўлиши ёки шикастланишининг, бошқа ноқонуний сарфланишининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрмаганлиги натижасида қўмондон, айбдор шахсларни моддий жавобгарликка тортиш учун етказилган зарар миқдорида, лекин меҳнатга лаёқатли шахслар учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 15 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда моддий жавобгар бўлишлиги ҳамда форс-мажор ҳолатлари ёритилган [6].

Бундан ташқари Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучларининг шахсий таркиби меҳнат ва давлат хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучлари ички хизмати уставига мувофиқ ҳарбий хизматчи ҳарбий мулкка тўғридан тўғри (қасд ёки эҳтиётсизликдан қатий назар) зарар етказганда моддий жавобгар бўлиши белгиланган [7].

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги қонуни лойиҳасининг 4-моддаси Ҳарбий хизматчиларни моддий жавобгарликка тортиш шартларида форс-мажор ҳолатлари киритилса ҳарбий мулкни сақлаш мажбурияти юклатилган, фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахслар иштирокидаги тасодифий моддий

жавобгарлигининг ҳуқуқий ечими ҳал этилади. (Бунга мисол сифатида Сардоба сув омборида юз берган таббӣй техноген ҳолатлар натижасида ҳарбий мулкка етказилган зарарни келтириб ўтсак бўлади).

Ушбу қонун лойиҳасининг 7-моддасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш тўғрисида белгиланган. Жумладан:

Етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича ҳарбий мол-мулкни ҳисобга олиш маълумотларига асосан, унинг зарар аниқланган вақтдаги ўртача бозор нархи асосида белгиланади.

Ҳарбий қисмларга марказлашган тарзда етказиб берилаётган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа мол-мулкнинг қийматини белгилаш ваколатли юқори турувчи таъминот бўлинмалари ёхуд ҳарбий бошқарув органларининг тегишли комиссиялари ёки тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Етказилган зарар миқдори, зарар аниқланган вақтдаги белгиланган меъёрлар бўйича ҳарбий мол-мулкнинг эскиришини ҳисобга олган ҳолда, бироқ ушбу ҳарбий мол-мулкнинг парчалари қийматидан паст бўлмаган нархларда белгиланади дейилган. Шунингдек, норма етказилган вақтдаги ўртача бозор нархи ва аниқлаш деган сўзларни қўшиш орқали тўлдирилиши қонунни қўллаш амалиётини мустаҳкамлайди.

“Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг 7 моддасига бундай ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ушбу норманинг биринчи қисмида аниқланган вақтдаги ўртача бозор нархи асосида белгиланади деб қайд этилган сўзнинг ўрнига етказилган вақтдаги сўзни киритиш орқали адолатлилиқ, одиллик принципини таъминлаган бўламиз.

Биринчидан, етказилган зарар ва аниқланган зарар ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, ҳарбий мулкка етказилган зарар вақтида ўртача бозор нархи билан зарар аниқланган вақтдаги нарх бир биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Яъни ҳарбий мулкка етказилган зарар вақтида, мулкнинг қиймати пастроқ бўлса, етказилган зарар олти ой ёки бир йилдан кейин аниқланса

зарарнинг ўша пайтдаги ўртача бозор қиймати кескин кўтарилиши мумкин. Ваҳоланки ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул таъминоти бу вақт оралиғида кўтарилмаган бўлиши мумкин. Натижада Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг VIII¹ бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-718-сонли қонунига асосан киритилган 48³-модда Чекланган моддий жавобгарликнинг ижросини таъминлаш имконининг даражасини пасайтиради [4]. Чунки, ушбу моддада етказилган зарар миқдорида, бироқ бир ойлик пул таъминоти маошидан ортиқ бўлмаган миқдорда моддий жавобгарликка тортилади деб белгилаб қўйилган.

Агар етказилган зарар аниқланган вақтдаги ўртача бозор қийматида ҳисобланса, зарар етказган ҳарбий хизматчининг бир ойлик пул таъминоти маошидан ортиб кетиши мумкин бўлади. Табиийки бозор иқтисодиётида нарх навонинг ўсиши кундан кунга кўтарилади. Бундай ҳолатда ижтимоий одиллик, адолатлилик принципи бузилади.

Иккинчидан, ҳарбий мулкка зарар етказилганда тафтиш органлари белгиланган муддатларда келиб, етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича ҳарбий мол-мулкни ҳисобга олиш маълумотларига асосан, унинг зарар аниқланган вақтдаги ўртача бозор нархи асосида белгилаши муддатнинг узоклашиб кетишига олиб келишига сабаб бўлади. Бу эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотишга ҳам олиб келади. Натижада мазкур ҳолат бўйича зарар миқдорини аниқлаш аҳамиятини йўқотади.

Шунингдек, мазкур норманинг иккинчи қисмида назарда тутилган “Ҳарбий қисмларга марказлашган тарзда етказиб берилаётган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа мол-мулкнинг қийматини белгилаш ваколати юқори турувчи таъминот бўлинмалари ёхуд ҳарбий бошқарув органларининг тегишли комиссиялари ёки тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади” деган қисмига аниқлаш ва белгилаш деб киритилиши норманинг ушбу қисми мазмун-моҳиятини янада ойдинлаштириб беради. Чунки,

етказилган зарар, унинг миқдори ва айбдор шахсларни аниқлашда командирлар (бошлиқлар) терговга қадар текширув ёки хизмат текширувини тайинлаш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолатда етказилган зарар миқдорини аниқлашда ҳарбий қисм командири томонидан ёзма мурожаатнома орқали юқори турувчи таъминот бўлинмалари ёхуд ҳарбий бошқарув органларининг комиссиялари ёки тегишли давлат органларига юборилиши ҳамда ушбу комиссиялар томонидан ҳарбий хизматчи томонидан етказилган моддий зарарнинг қийматини аниқланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, терговга қадар текширув ёки хизмат текшируви олиб бораётган мансабдор шахслар етказилган зарарни белгиламайди, балки уни миқдорини нафақат белгилаш балки аниқлаш учун ҳам мутахассисга мурожаат қилади. Негаки, зарар етказилганда биринчи навбатда унинг қиймати аниқланади, шундан сўнг етказилган зарар белгиланади. Юқоридаги сўзнинг киритилиши мазкур жараёнда етказилган зарар миқдорини аниқлаш механизминини аниқ кўрсатиб беради. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигининг ҳуқуқий назарий асосларини шакллантиришда “Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги алоҳида қонун долзарб аҳамият касб этган ҳолда, ҳарбий ислохотларнинг вазифаларига тўла мос келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизминини амалга киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 феврал 63-сон қарори //Тошкент ш., <https://lex.uz/docs/507399> (мурожаат санаси 27.03.2022 йил)

2.Мирзиёев Ш.М. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган нутқи <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/12/security-council/> (мурожаат санаси 3.02.2022 йил)

3.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 457 б.

4.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2006 йил 12 майдаги 6-сон, 3-сон, 1/4-528-сон, 47-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги вақтинчалик низом”// Тошкент ш., <https://www.lex.uz/acts/1017768> (мурожаат санаси 30.03.2022 йил)

5.О материальной ответственности военнослужащих // Федеральный закон Р

о 6.Закон України від 31.10.2019 № 160-ІХ //«Про матеріальну відповідальність військовослужбовців та прирівняних до них осіб за шкоду державі» // (електрон манбаа) <https://zakon.rada.gov.ua/go/160-20> (мурожаат санаси 27.03.2022 йил)

й 7.1996 жылы 17 қазанда қабылданған Қазақстан Республикасы Қарулы Күштерінің Ішкі қызметінің Жарғысы. – Қазақстан, 1996 жылы 17 қазанда,. – Б.25.

о 8.Ҳарбий қонунчилик асослари // Р.С.Артиков – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2019. –117 б

Ф

е

д

е

р

а

ц

и

и

о

т

1

2